

STATISTICAL ANALYSIS OF PATIENTS WITH DIABETES**(in the case of the city of Khiva in 2022)**

Palvanova Diyyora Palvannazirovna

Assistant, Department of Physiology and Pathological Physiology,

Urganch Branch, Tashkent Medical Academy

Gaibov Gayrat Kamilovich

Chief physician of Khorezm Regional Endocrinology Dispensary

ANNOTATION

This article is about the statistical analysis of diabetes mellitus among citizens living in the city of Khiva in December 2022, i.e. by the end of the year.

Keywords: diabetes, endocrinology, prevention.

Муомманинг долзарблиги: Юртимизда сўнги йилларда замонамиз талабига асосан кўпчилик сохаларда катта ўзгаришлар кузатилаётганлиги яққол кўриняпти. Жумладан, шу йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январда “Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сонли қарори бу юзадан вилоят ҳокимининг 2022 йил 30 январдаги 39-12-0-Қ/22-сонли қарори. 2022-2024 йилларда шаҳар аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастурига асосан эндокрин касалликларни эрта аниқлаш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаоллик дастурларини аҳоли орасида кенг кўламда татбиқ этиш бўйича бир канча ишлар амалга оширилди. Бунда эндокринолог шифокор ва оилавий шифокорлар томонидан 40 ёшдан ошган аҳолида ортикча вазн, семизлик, қандли диабет ва диабет олди ҳолати скринингини ўтказилди. 40 ёшдан ошган аҳолининг антропометрик улчовлари улчанди ва лаборатория шароитида кондаги канд миқдори ва гликирланган гемоглабин текширувидан ўтказилди. Эндокринология соҳасига оид асбоб-ускуналар, лаборатор жихозлар, тиббиёт ходимларнинг малака оширишлари натижасида билим савиясининг ошиши, оилавий поликлиникаларда, қишлоқ оилавий поликлиникаларда патронаж хизмати, даволаш-профилактика муассасаларида ортикча вазн, семизлик, қандли диабет касаллигига учраган беморларга яратилган имтиёзлар ва халқнинг онги маданий жихатдан ўсиб бориши натижасида юзага келадиган касалликлар ёшариб бориши кузатилмоқда.


Ишнинг мақсади: Хива шаҳрида яшовчи фуқароларнинг қандли диабет касаллигини 2022 йил декабр ойида яни йил якунига ўрганилиб статистик таҳлил қилиш.

Текшириш методи ва материаллари: Текширишимизга Хива шаҳрида яшовчи фуқароларнинг қандли диабет касаллигини аниқлаш бўйича оилавий поликлиниканинг 2022 йил декабр ойи йиллик ҳисобот маълумотлари ўрганилди.

Текширув натижалари: Текширув вақтида 2022 йилда жами 1742 нафар қандли диабет бемор бўлиб, шундан 867 нафари эркак, 875 нафари аёл беморлар, шулардан қандли диабет 1 тип беморлар 50 нафар улардан 0-14 еш болалар 19 нафар, 15-17 ешли усмирлар

3 нафарни ташкил қилади. Қандли диабет 2 тур беморлар 1692 нафар, эканлиги аниқланди. Беморларнинг архив маълумотларини ретроспектив текширувида, анамнез ва лаборатория хулосалари натижасида қандли диабет касаллигининг 2-типи билан юқори кўрсаткични, яъни 75% аел беморлар ташкил қилди. Аниқланган беморларда асосан оғиз қуриши, куп сув ичиш, умумий холсизлик, уйқуни бузилиши, диурезни оз миқдорда ва тез-тез чиқиши каби белгилар билан ифодалашган. Лаборатория текширувида қондаги қанд миқдори ўртача ҳисобда 8.5-12.9 м/моль эканлиги ва сийдикда қанднинг миқдори 0.5-1.5 м/моль эканлиги аниқланган. Қандли диабет касаллиги билан касаланган беморлар сонининг бундай кескин ошганини Covid-19 билан касаллангандан сунг қузатилган ва ПҚ 102 ижросини таминлашда қандли диабетга эрта ташхис қуйиш мақсадида Хива шаҳрида 40 ёшдан ошган (41%) ахоли орасида скринингдан утқанлар (62%) яни маҳаллада халқ орасида оилавий шифокор ва хамширалари ва Вилоят Эндокринология диспансери ходимлари томонидан скрининг тиббий куриклар утказилди. Бунда Хива шаҳрида 23872 нафар (63%) ахоли скринингдан утказилди. Қандли диабет билан бирламчи касалланган беморларга эрта ташхис қуйилиб диспансер ҳисобга олинди улар диабет мактабида уқитилди. Скрининг натижасида Қандли диабет билан бирламчи касалланган беморлар сони 2022 йил декабр ойида 393 (1.6%) нафарни ташкил қилган. Бу курсаткич 2021 йилда 0.95% курсаткични курсатқан , 2020 йилда 0.8% ни 2019 йилда 0.6% курсатган яни ахоли орасида Қандли диабет билан бирламчи касалланиш ошиб бормоқда.

Хива шаҳрида Қандли диабет билан касалланиш узиш динамикаси




Қандли диабет билан бирламчи касалланиш ошиб бормоқда.

Лаборатор курсаткичларга асосан эрталаб оч коринга глюкоза миқдори 6.1-7.9 mmol/l курсаткични 122 нафарда глюкозага тургунликни бузилиши, 7.9-12.5 mmol/l курсаткични 183 нафарда, 13.5-20 mmol/l курсаткични 89 нафар бирламчи қандли диабет билан касалланганлар ҳосил қилд



И.



ХУЛОСА

хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аниқланган беморлар соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслиги, нотогри овқатланиш, ижтимоий муҳитдаги стресс ҳолатлар, бемор кўриги ўз вақтида бормасдан ўз соғлигига бефарқ бўлиши. Шифокорлар томонидан тавсия қилинган қандли диабетга қарши дори воситаларни ўз вақтида қабул қилмаганликлари, ҳар ойда тиббий кўриқдан ўтмасдан келганликлари сабаб бўлган.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Дедов И. И. Сахарный диабет—опаснейший вызов мировому сообществу // Вестник Российской академии медицинских наук. – 2012. – Т. 67. – №. 1. – С. 7-13.
2. Палванова Д. П. ПЛАНИРОВАНИЕ БЕРЕМЕННОСТИ У ЖЕНЩИН С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 2-ГО ТИПА В ГОРОДА ХИВУ (2020-2021 ГГ.) // Development and innovations in science. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 47-52.

3. Караушева М. К., Сергеева А. В. Особенности распространения сахарного диабета на территории г. Дзержинска Нижегородской области за период 2016-2021 гг //VolgaMedScience. – 2022. – С. 480-482.
4. Назарова С. К., Файзиева М. Ф., Хамраева Ф. М. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ САХАРНОГО ДИАБЕТА И ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДИАБЕТОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ НАСЕЛЕНИЮ НА РЕГИОНАЛЬНОМ УРОВНЕ //Интернаука. – 2020. – №. 19-1. – С. 60-61.
5. Волынкина А. П., Горшков И. П., Мананникова В. И. Сахарный диабет-опасный вызов мировому сообществу //Научно-медицинский вестник центрального черноземья. – 2016. – №. 63. – С. 166-171.
6. Танирбергенова А. А., Тулебаев К. А., Аканов Ж. А. Распространение сахарного диабета в современном мире //Вестник Казахского национального медицинского университета. – 2017. – №. 2. – С. 376-378.
- 7, Volynkina A. P., Gorshkov I. P., Manannikova V. I. Diabetes as dangerous challenge to world community //Medical Scientific Bulletin of Central Chernozemye (Naučno-medicinskij vestnik Central'nogo Černozem'â). – 2016. – №. 63. – С. 166-171.